



САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

ЗДОРОВЬЕ НАРОДА — БОГАТСТВО СТРАНЫ

# PEDIATR

№ 1-2 (897-898) 16-Yanvar, Payshanba 2020-yil	TOSHKENT PEDIATRIYA TIBBIYOT INSITUTI MEHNAT JAMOASI NASHRI ОРГАН ТРУДОВОГО КОЛЛЕКТИВА ТАШКЕНТСКОГО ПЕДИАТРИЧЕСКОГО МЕДИЦИНСКОГО ИНСТИТУТА	Gazeta 1974-yil martdan chiqqa boshlagan
---	--	--

## ЯНГИ ЙИЛДА ЯНГИ МАҚСАДЛАР САРИ

**Б.Т.Даминов**  
**ТошПТИ ректори,**  
**Халқ депутатлари**  
**Тошкент шаҳар кенгаши**  
**депутати**

Мамлакатимизда ҳар бир соҳадаги ислохотлар, аввало, замон талаблари асосида барча соҳаларни модернизация қилиш ва аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган. Яқун топаётган 2019 йилда амалга оширилган бундай кенг қўламли ишлар натижаси ҳар жабҳада сезиляпти.

Биргина мисол тариқасида келтиришимиз мумкинки: Буюк Британиянинг «Экономист» журналида Ўзбекистон Республикаси – 2019 йилда энг жадал ислохотларни амалга оширган «Йил мамлақати» дея эътироф этилди. Дарҳақиқат, мамлакатимизда эришилаётган бундай ютуқлар кўплаб рақамларни ташкил қилади. Мамлакатимизнинг диққатга сазовор бўлган 2019 йилдаги ютуқларидан яна бири – Жаҳон банкининг жорий йилдаги «Бизнес юритиш» рейтингида энг илғор ислохотчи мамлакатлар қаторидан жой олди. Энг муҳими, халқимизнинг турмуш шароити яхшиланмоқда, ёшларнинг замон билан ҳамнафас таълим олишлари етарлича таъминланмоқда.

Жорий йилда соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам бир қанча ислохотлар ўз тасдиғини топди. Жумладан, соғлиқни сақлаш соҳасида илғор хорижий тажрибаларни жорий этиш бўйича таклифлар тайёрлаш ва ислохотларни эксперт

жиҳатдан қўллаб-қувватлаш бўйича Соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари лавозими жорий этилди. Мазкур лавозимга соғлиқни сақлаш соҳасидаги юқори малакали хорижий мутахассис жалб этилади ва у Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади. Шунингдек, соғлиқни сақлаш вазирининг мазкур ўринбосари бир вақтда Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари маслаҳатчиси ҳисобланади ва жорий этилган бу лавозим 2019 йилнинг соғлиқни сақлаш тизимидаги қатта ютуқларидан бири ҳисобланади. Чунки жорий этилган лавозимга масъул шахс – халқаро стандартлар ва Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг тавсияларини имплементация қилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ҳуқуқий тартибга солиш, бу соҳадаги тизимни молиялаштириш ва ташкил этиш тизимини такомиллаштириш, мажбурий тиббий суғуртани жорий этиш, давлат-хусусий шериклик ва тиббий туризмдан фойдаланишнинг энг яхши амалиётларини татбиқ этиш, соҳага инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва рақобат муҳитини яхшилаш, «электрон соғлиқни сақлаш» тизимини кенг жорий этиш каби масалаларга масъулдир.

Яқун топаётган йилнинг муҳим янгиликларидан яна бири куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркий дунё ёзувчилари, зиёлилари ва санъаткорлари жамғармаси томонидан таъсис этилган «Туркий дунё тикланишига қўшган улкан ҳиссаси учун» халқаро му-

кофотига сазовор бўлдилар. Бу мукофот – нафақат юртбошимизнинг, балки бутун халқимизнинг ва Ватанимизнинг ютуғидир.

Ҳар соҳада жонбозлик кўрсатётган устозларимиз, айниқса, яқун топаётган йилнинг энг катта эътирофига лойиқдир. Негаки, таълим ва тарбия ҳар бир мамлакатнинг энг биринчи масаласидир. Келажакка ишонч ҳам мана шу таълим ва тарбия билан бошланади. Ёшларнинг билим салоҳияти ҳар қачон давлатимиз диққати марказида бўлиб келган. Иқтисодиётми, ҳуқуқми, соғлиқни сақлаш ёки таълим тизимими, қай бир соҳа тизими бўлишидан қатъи назар, аввало, уни амалга татбиқ этиш учун олинган билимга ёндашилади. Демак, қай соҳа бўлишидан қатъи назар, йил якуни сарҳисобида устозларимизнинг кўрсатётган жонбозликларини ҳар қанча эътироф этсак ҳам кам.

Кириб келаётган 2020 йилда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган ислохотларимизнинг янги босқичга кўтарилишига ишонч билдираман. Шу ўринда, соғлиқни сақлаш соҳасига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган Тошкент Педиатрия тиббиёт институти меҳнат жамоаси ходимларига, жонқуяр устозларимизга, яқун топаётган йилнинг юксак эътирофини йўллаб, кириб келаётган янги 2020 йилда меҳнат фаолиятларига зафарлар тилайман!

Институтимизда таҳсил олиб келаётган, умидимиз учқунлари бўлган барча талабаларни кириб келаётган 2020 йил билан табриклайман! Янги йилда янги мақсадлар сари олға!

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ АРДОҒИМИЗДА

Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 27 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари кун муносабати билан байрам табригида «Армия ва халқ – бир тану бир жон!», - деган олижаноб ғоя ва амалий ҳаракат барча бўғиндаги ҳокимият ва бошқарув идоралари, маҳалла, ёшлар, хотин-қизлар, нурунийлар ташкилотлари, таълим-тарбия муассасалари фаолиятини, кенг жамоатчилик ҳаётини қамраб олаётганини, алоҳида таъкидладилар. Бу эса Ватан ҳимояси, юрт тинчлигини сақлаш, фидойи бўлиб хизмат қилиш чиндан ҳам барчамизнинг, нафақат вази-фамиз, балки шарафли бурчимизга айлан-иб бораётганидан далолатдир.

Бугунги кунда юртимизда давлатимизнинг ҳарбий-сиёсий масалалари бўйича қатъий позицияни ифода этадиган янги Мудофаа доктринаси ишлаб чиқилди. Амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида миллий армиямиз тезкор ва ихчам, ҳар қандай таҳдидларга муносиб зарба беришга қодир бўлган жанговар кучга айланиб бормоқда.

Ҳар томонлама давлатимиз мудофаа кудратини ошириш, етук ва малакали ҳарбий кадрларни тайёрлашга, Ватан ҳимоячилари, уларнинг оилалари учун етарли шарт-шароитларни яратишга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Масалан, 2019 йилнинг ўзида ҳарбий хизматчилар учун имтиёзли кредитлар асосида 116 та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилганининг ўзи ҳам бундан далолатдир. Ҳарбий хизматчиларнинг профессионал билим малакаси, ақлий салоҳияти, уларда ватанпарварлик фазилатларини камол топтириш ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Масалан, аксар алломаларимиз номидан уларнинг ватани кўриниб туради: Аҳмад ФАРҒОНИЙ, Муҳаммад ХОРАЗМИЙ, Имом БУХОРИЙ, Имом ТЕРМИЗИЙ, Абулайс САМАРҚАНДИЙ, Бурхониддин МАРҒИНОНИЙ, Мазжуб НАМАНҒОНИЙ, Абду-л-Ҳамид КЕШИЙ, Абу-л-Баракот НАСАФИЙ... Бу зотлар шу билан ўз ватанларини дунёга машҳур замон қилганлар. Бу – ибрат. Бу – ҳикмат. Тарих шу жиҳатлари билан ёшларда, умуман, фуқароларда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда энг буюк қуролдир. Ватанпарварлик

аслида ҳар кунлик иш ва бу кун йил давомида амалга оширилган ишларнинг сарҳисоби ҳисобланади.

Соҳибқирон Амир Темурнинг «**Темур тузуклари**»даги ҳеч қачон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун ҳам озиқ бўладиган ҳикматли фикрларнинг қанчалик ҳаётий эканига кўп бор ишонч ҳосил қилиш мумкин. Унинг: «**Таҷрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тadbирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир**», - деган сўзлари бугунги кунда ҳам маънавий жиҳатдан нақадар долзарб аҳамиятга эга экани барчамизга аён. Амир Темурнинг бундай чуқур маъноли ҳикматлари халқимизда қадимдан мавжуд бўлган «**Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр – мингни**» деган мақолга ғоят ҳамоҳанг бўлиб, инсонни доимо ақл-идрок, адолат ва юксак маънавият асосида яшашга даъват этиши билан эътиборлидир.

Ёшларни маънан етук, жисмонан соғлом, ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга доир ишларнинг самардорлигини ошириш ва натижадорлигига эришиш, бу борадаги таълим-тарбиявий ишларга мамлакатимиз фуқароларини, давлат ва нодавлат ноғижорат ташкилотларини ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини янада фаол жалб этиш ва ёшлар онгига ватанпарварлик, мардлик туйғуларини сингдириш мақсадида 2018 йил 23 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «**Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида**»ги 140-сонли Қарори қабул қилинди.

Ҳар бир босқичда ёшларнинг камол топаётган онгини ёт ғоялардан асраш, унга қарши қурашувчи мафкуравий иммунитетини ўз вақтида шакллантиришга эришиш ҳар қачонгиданда зарурлигини ҳаёт сабоқлари кўрсатмоқда. Юқоридаги концепция шу муҳим масалани ҳал этишга ҳам хизмат қилади. Ёшлар ва фуқароларни маънавий-ахлоқий ва ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг онгига ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат, меҳнатга масъулиятли муносабат, ҳарбий хизматга ҳурмат туйғуларини

сингдирилиши энг муҳим вазифаларидан бири этиб белгиланди. Унга кўра ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишлари асосан тўрт босқичда (1-босқич 3-7 ёш, 2-босқич 7-16 ёш, 3-босқич 16-18 ёш, 4-босқич 18-30 ёшдагилар) амалга оширилиши белгилаб берилмоқда. Бу ҳам ўз навбатида тарбия узлуксизлигининг таъминланиши ва тарбиядаги ноқисликка барҳам берилиши ҳамда тарбиянинг мукаммаллашишини вужудга келтиради.

Буларнинг тағ замирида ёшларнинг маънан юксак ва маърифатли авлод бўлиб етишиши ётади. Демак, уларнинг маърифатини юксалтириш муҳим масала.

13 январь кунини институтимизнинг Ахборот ресурс маркази мажлислар залида «Ватан ҳимоячилари» номли тadbир бўлиб ўтди. Ушбу тadbирда истеъфодаги тиббий хизмат полковниги Д.Тахиров сўзга чиқиб, барча талаба йигитларимизга ўз табрикларини йўлладилар. Тadbирга ташриф буюрган меҳмонларимиз – истеъфодаги тиббий хизмат полковниги А.Ажимуратов, истеъфодаги тиббий хизмат полковниги Д.Лебедев, истеъфодаги тиббий хизмат полковниги К.Бакиев, истеъфодаги тиббий хизмат полковниги Ш.Ибрагимов, истеъфодаги тиббий хизмат полковниги Э.Холиқовлар тadbир давомида ўз фаолиятларидаги мураккаб жараёнлар ва ҳақиқий масъулиятни, Ватан олдидаги бурч ҳақида талаба ёшларимизга сўзлаб бердилар. 2-Педиатрия факультети Ёшлар билан ишлаш, маънавий-маърифий ишлар бўйича декан ўринбосари М.Алимова ҳамда Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор М.Аҳмедовалар тadbир жараёнида Ватан олдидаги бурч мавзусида талаба ёшлар билан очик мулоқот олиб бордилар.

Ватан кўзининг қорачиғига ўхшайди. Унга бирор ёт нарса яқинлашганда ковоклар, киприклар сергак тортади, умуман, жисм мана шу кичик аъзо ҳимоясига шайланади. Ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар қалбидаги мана шу қорачиқ – Ватани – манбаларда «бу дунёнинг жаннатини», дея шарафланган ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҳимоясига ақли, кучи билан шай турса, ташки ва ички таҳдидлар оғир нуктага айланиши шубҳасиз. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ватанпарварларга йўллаган табрикларида таъкидлаган эдилар: Ватан ҳимояси чиндан ҳам барчамизнинг нафақат вази-фамиз, балки шарафли бурчимизга айланиб бормоқда!».

**А. Худайбердиев**

*Ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи*

## ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР

«Билмагани сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим», – сўз мулкининг султони Алишер Навоий хазратларининг беш аср бурун битилган ҳикматлари ҳамон барча илм аҳли учун ўз моҳиятига эга. Дарҳақиқат, замонавий таълим сифати ва талабаларнинг салоҳиятини ошириш борасида бугун юртимизда олиб борилаётган ислохотлар ўз самарасини бермоқда. Албатта, талаба ёшлар малакали устозларидан билмагани сўраб, устоз-шоғирдлик анъанасида ишлаб келишмоқда.

Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг «Иқтидорли талабалар билан ишлаш бўлими» масъули, тиббиёт фанлари номзоди, доцент Каримова Зиёда Кушбаевна билан соғлиқни сақлаш соҳасидаги бугунги кун таълим тизими ва иқтидорли талабалар ҳақида суҳбат олиб бордик.

– Ассалому алайкум, Зиёда Кушбаевна! Замонавий таълим тизимининг бугунги кундаги аҳамияти қай даражада муҳим?

– Ваалайкум ассалом! Бугунги шиддат билан одимлаётган замон талаби барча таълим тизимида, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимида ҳам кун талабига муносиб шифокор бўлиш лозимлигини талаб қилади. Биргина мисол тариқасида келтириб ўтмоқчиман, юқумли касалликларни ташхис қилишда фойдаланиладиган замонавий ПЦР усулини қўллаш юқори натижа беради. Чунки касалликни келтираётган сабабларни бир неча саотлардагина ген даражасида аниқлаб, тўғри даволаш тизимига йўналтирилган. Демак, бу кўникамага эга бўлган ҳар бир шифокор дунёнинг исталган нуқтасида касалликларга ечим топа олади.

– «Кун талабаси», ушбу иборага соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича ўз ихтидорлигини келтирсангиз.

– Албатта, «Кун талабаси» замон билан ҳамнафас бўлиши лозим. Яъни келгусида ушбу соҳанинг қайси йўналишида фаолият олиб боришидан қатъи назар, аввало ҳақиқий шифокор бўлиши лозим! Демак, бунинг учун, ўз келажаги учун «кун талабаси», албатта инновацион билимларни мукамал билиши лозим. Ўз мутахассислик фанларини мукамал эгаллаши, амалиётга татбиқ эта олиши қобилиятига эга бўлиши ва узвий давом эта олиши муҳим ўрин тутди. Ҳар бир кашф этилган янгилик сонияларда дунё тармоқларидан жой олаётган шиддаткор замонимизда кун талабаси бугунги билимни эртага қўя олмайди. Ҳар томонлама иқтидорли бўлган ва фақат кучлиларгина бу номга лойиқдир!

– Раҳмат фикрларингиз учун! Институтимиздаги иқтидорли талабалар ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

– 2019 йилнинг якунига назар ташлаш: институтимизнинг иқтидорли талабаларининг илмий мавзулардаги изланишлари салмоғи ўтган йиллардаги натижаларга қараганда анчагина ортган. Бу кўрсаткич – талабаларнинг илмий анжуманлардаги иштироки, турли илмий журналларда чоп этилган мақола ва тезисларнинг 18 фоизга ортгани билан диққатга сазовордир. Шу ўринда таъкидлаш керакки, халқаро илмий анжуманлардаги иштироки 6 фоизга ортган. Якун топаётган йилимизнинг энг катта ютуғи бўлган халқаро фан олимпиадалари ва турли номдаги нуфузли танловларда иштирок этиб, институтимизда таҳсил олаётган 35 нафар иқтидорли талаба юқори савияли билими ва фаол иштироки учун тақдирланди. Жумладан, 2019 йил 13-14 март кунлари Туркистонда Хожа Аҳмад Яссавий номидаги халқаро Қозоқ-Турк университетида ўтказилган 2-Халқаро илмий-амалий конференцияда институтимизнинг 3 та иқтидорли талабаси 1,-2,-3-даражали дипломни қўлга киритишди. 2019 йил 25 апрелда Андижон Давлат тиббиёт институтида ўтказилган «Анатомия тиббиётнинг асоси» номли Халқаро фан олимпиадасида 5 нафар иқтидорли талабамиз иштирок этиб, ғолибликни қўлга киритишди. 2019 йил 30 майда Россиянинг Пенза шаҳрида 20-Халқаро илмий-амалий анжуман миқёсида ўтказилган «Энг яхши мақола», «Энг яхши оғзаки доклад» номинацияларда 4 та иқтидорли талабамиз дипломлар тақдирланди. 2019 йил 21-22 ноябрь кунларида Петербург Давлат Педиатрия тиббиёт институтида ўтказилган Педиатрия фани бўйича 7-Халқаро фан олимпиадасида ҳам 5 нафар иқтидорли талабаларимиз МДХ (Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги) талабалари ўртасида 1-ўрин, 38 та олийгоҳ орасида эса 9-ўринни эгаллашди. 2019 йил 6 декабрда эса Андижон Давлат тиббиёт институтида ўтказилган «Тиббиётда инновациялар» мавзусидаги халқаро конференция доирасида симуляцион кўникмалар бўйича фан олимпиадасида 5 нафар талаба иштирок этиб, «Энг яхши педиатрлар» номинациясининг ғолибига айланди. Ушбу конференцияда институтимизнинг яна 2 нафар талабаси 2 ва 3- даражали дипломларга илмий доклады учун муносиб топилди. Энг қувонарлиси, йил якуни сарҳисобини келтирар эканмиз, институтимизда таҳсил олиб келаётган иқтидорли талабаларимизнинг 14 таси турли номдор стипендияларга сазовор



бўлишди. Жумладан, Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиясига 5-мартаба Шошилинч педиатрия йўналиши 3-босқич магистри Зокиров Нодиржон лойиқ деб топилди. Бундан ташқари Даволаш иши факультети 5-босқич талабаси Юсупалиева Дилнора ибн Сино номидаги давлат стипендиясига, Тиббий педагогика факультети 6-босқич талабаси Меҳмононова Сурайё Ислоҳ Каримов номидаги Давлат стипендиясига муносиб кўрилди. 2-Педиатрия иши факультети 6-босқич талабаси Садриддинова Муборак – Ўзбекистон Врачлар Ассоциацияси давлат стипендияси соҳибасига айланган бўлса, институтимизнинг «Атоқли олимлар» номидаги стипендияга – 8 та бакалавр ва 2 нафар магистр талабарни муносиб кўрилди.

– Йил давомида тиббиётга доир бўлмаган соҳаларда ҳам ютуқларга эришилдими?

– Албатта. Фақатгина тиббиёт фанлари бўйича чекланмаган иқтидорли талабаларимиз «Мард ўғлон», Қозоғистон Республикасида Taekwon-Do ITF спорт бўйича бўлиб ўтган Осиё чемпионатида Миллий терма жамоа доирасида иштироки учун – олтин медаль ва Болгарияда бўлиб ўтган Жаҳон чемпионатида ҳам фахрли олтин медаль каби бир қанча ютуқларга эришганини 2019 йилнинг нафақат институтимиз учун, балки Ватанимиз учун ҳам диққатга сазовор ютуқларидан дея оламин ва ишонаманки, кириб келаётган 2020 йилдаги институтимизнинг иқтидорли талабаларининг навбатдаги ютуқлари салмоғи бунданда юқори бўлади.

– Зиёда Кушбаевна, мазмунли суҳбат учун ташаккур! Иқтидорли талабаларнинг янги йилдаги эришадиган ютуқларига тилақдошимиз.

**Роҳилабону ҒҶҶЧИЕВА**  
суҳбатлашди

# БАХТ КУЙЧИСИ



«Ҳамид Олимжон туғма ва нодир қобилат эгаси эди. Унинг қонида, ўзлигида, кўз қорачиғида, тўксон икки томирида туғма ва зукколик, шоирона бир сажия, билгичлик, бурролик, нурбахшлик, ёрқин қалб, одоб аён... Унинг билмагани оз ўкимагани кам эди...», - дея эътироф этган эди адабиётимизнинг устуни бўлган Миртемир. Дарқақиқат, бахт ва шодлик куйчиси бўлган Ҳамид Олимжон ҳақиқий маънодаги туғма қобилат эгаси эди. Унинг хотираси – ҳали ҳамон мисли сиёҳи қотмаган шеърлари каби тирик...

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев қарорлари билан – бахт куйчиси бўлган Ҳамид Олимжон таваллудининг 110 йиллигини юртимиздаги таълим муассасаларида кенг миқёсда ва тантанали равишда нишонлаш чора-тадбирлари жойларда кенг кўламли тарзда олиб борилмоқда. Шу жумладан, мазкур тадбир Тошкент Педиатрия тиббиёт институтида ҳам кенг тарзда ташкил қилинди.

Шоир, драматург, публицист, таржимон ва олим Ҳамид Олимжон 1909 йил 12 декабрда Жиззах шаҳрида туғилган. Отаси вафотидан сўнг у бобоси Азим бобо ва онаси Комила ая кўлида тарбияланади. Бобосининг саъй-ҳаракати ва унинг дўсти Фозил Йўлдош ўғлининг куйлаган дoston ва халқ қўшиқлари таъсирида Абдулҳамид ёшлиқдан шеър ёзишга

қизиқади. Адиб ўз таржимаи ҳолида: «Мен бир қора кунда туғилдим, Туғилдим-у шу он бўғилдим», – дея эслайди...

Ҳамид Олимжон 1918 йилдан Наримонов номидаги бошланғич мактабда ўқийди ва айни 8-9 ёшларидан бошлаб илк ижодий машқларини ёза бошлайди ҳамда она тилимиз билан биргаликда рус тилини ҳам мукамал тарзда ўзлаштириб боради. Бўлажак шоир 1923 йилда ўрта мактабни тугатиб, Самарқандда педагогика билим юртида таҳсил олади. Айни ижодининг маҳоратга бой даврлари бошланади...

1931 йилда эса азим шаҳар Тошкентга келади ва ёшлар газетасида (ҳозирги «Туркистон») ишлай бошлайди. Ижодкор ўз бахтини топади. Садоқат ва вафо тимсоли бўлган Зулфияхоним билан турмуш қуришади. Ижодкор ўз ижодий маслакдоши бўлган рафиқаси билан ўлмас бир муҳаббат тимсолига ҳайкал ўрнатди!

Унинг – «Кўклам», «Олов сочлар», «Пойга», «Дарё кечаси», «Шеърлар», «Ўлка», «Бахт» каби кўплаб шеъррий тўпламлари ўз ўқувчиларини топди. Барча қалблардан жой олган – «Тонг шабадаси» номли ҳикоялар тўплами 1930 йилда нашр этилди. Бадиий ижоднинг чўққисига чиққан Ҳамид Олимжон дoston жанрида ҳам анчагина қалам тебратди. Жумладан, «Ойгул билан Бахтиёр», «Семурғ, Паригод ёки Бунёд», «Роксананиннг кўз

ёшлари», «Зайнаб ва Омон», «Ўлим ёвга», «Икки қизнинг ҳикояси» каби бир қанча дostonларини ижод аҳлига тортиқ қилди. «Жангчи Турсун» номли балладаси ҳам адабиётимиз саҳнасида ўз ўрнини топди. «Муқанна» номли тарихий мавзудаги шеъррий драмаси ва «Жиноят» номли замонавий мавзудаги шеъррий драмаси ҳамон юртимиз театрларида мунтазам саҳналаштирилиб келинмоқда. Ижодий меросининг нақадар бойлиги ва миллатимиз ўзлигини ёритиб берган асарларини ҳамон халқимиз севиб мутолаа қилади. Чунки ҳақиқий ижодкор ҳеч қачон ўлмади, у қолдирган ижодий мероси билан нафас олади... Халқ қалбида бирга яшайди!

Институтимизда ташкил этилган тадбирда тиббий педагогика факультетининг 2-босқич 202–203-ҳамда 204-гурӯх талабалари Ҳамид Олимжоннинг шеърларини ифодали ўқиб эшиттиришди.

Тадбиримизга Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Ашуралӣ Жўраев ташриф буюрдилар. Ҳамид Олимжон ҳақидаги бекиёс фикрлари билан тадбир иштирокчиларини мамнун этдилар. Ўзбекистон Республикасида Хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира, публицист Мухтарама Улуғова Ҳамид Олимжоннинг бир парча шеъри билан қалбларга ором бахш этди:

*«Кувонч шулким толе ёр бўлиб  
Бахтни топган эли кўролдим.  
Асрларнинг қайғусин қаргаб,  
Шодлик ва бахт куйини чалдим.»*

Дарҳақиқат, Ҳамид Олимжон бахт куйини чалган ижодкор эди», – дея таъкидлаб ўтдилар Мухтарама опа Улуғова .

Ҳар бир миллатнинг фахри бўлган ижодкорлари ҳамиша ва ҳар нафасимиз билан яшайди. Зеро, кадрият сўзи ўз адабиётимизнинг томирига боғлиқдир. Ҳамид Олимжон ана шундай адабий томиримизнинг мустаҳкам илдизларидандир!

**Гуландом КУРАМБОЕВА**  
*Ўзбек тили ва адабиёти*  
*кафедраси катта ўқитувчиси*

Хар бир миллатнинг ўзи севган ижодкори бўлади, аммо шундай ижодкорларимиз борки, уларнинг хар бир ижодини бутун дунё миллатлари севиб мутолаа қилади. Уларнинг ижодига миллатлар сарҳади тўскинлик қила олмайди. Негаки, ҳақиқий ижодкор миллатлар фарзандига айланиб боради. Чунки у миллат дарди билан нафас олади...

Мана шундай миллат дарди билан яшаган, ижоди сарҳад билмайдиган рус шоири, Ўзбекистон халқ шоири – Александр Файнберг Аркадьевичдир. Александр Файнберг 1939 йили 2 ноябрь куни Тошкентда таваллуд топган. Унинг болалиги собиқ Жуковский кўчасида ўтган. Унинг ижоди Тошкент Давлат Миллий университетидаги талабалик йилларидаёқ гуллади.

Унинг ижодий мероси 15 та шеърый китоб бўлса, унинг сценарийлари асосида 4 та тўлиқ метражли бадиий фильмлар ва 20 дан ортиқ мультипликацион фильмлар суратга олинган. Кўриниб турибдики, Александр Файнберг ижоди адабиёт хазинасида ўз салмоғига эга.

Александр Файнбергнинг ижоди асосини бадиий асарлар, таржималари ташкил қилади. Шу ўринда унинг таржималарида кўпроқ Алишер Навоий асарларини кўришимиз мумкин. У мумтозми ёхуд замонавий адабиёт, Александр Файнберг таржимасида хар қандай асар ўз жилосини йўқотмаган. Негаки, шоир ўз она тилига бошқа тиллардан ижод намуналарини таржима қилар экан, унга ўз олами билан сингиб кетади. Ўз тилидаги хар қандай асар шоирнинг маҳорати билан рус тилига гўё рақс тушаётгандай жилва билан таржима қилинди. Бугун русийзабон ёшлар Александр Файнбергнинг ҳиссаси билан Эркин Вохидов, Абдулла Орипов, Омон Матжон, Сирожиддин Саййид ва Хосият Рустамоваларнинг ижод намуналарини «Оқ қушлар галаси» номли китобидан ўз оҳанги ва мазмуни билан ўқий олади. Унинг хар сатрида бир мўъжиза мавжланади:

## ҲАҚИҚИЙ ИЖОДКОР



*«Беш дақиқа қолди учиб кетаман,  
Юрак кулга тўлди, ўпка тутунга.  
Энг баланд манзилни ишгол этаман,  
Ёлғиз ташлаб кетгум сени очунда...».*

Шоир ижодидаги бу каби нозик кечинмаларни унинг қаламига мансуб бўлган «Велотрекар», «Этюд», «Сония», «Шеърлар», «Олис кўприкар», «Осмон муҳри», «Қиска тўлқин», «Ёймагўр», «Эркин сонетлар» ва «Варак» номли тўпламларида ҳам гувоҳи бўласиз.

2004 йили қалами ўткир бўлган Александр Файнберг Россия Президенти фармони асосида «Пушкин» медали билан тақдирланган. Икки халқнинг маданиятини боғлашга ўзининг хиссасини қўшгани сабабли ҳам бугун унинг номи тилларда дostonдир.

Александр Файнберг таваллудининг 80 йиллик юбилеи муносабати билан олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида шоир ҳаёти ва ижодига бағишланган тадбирлар ташкил қилинди. Бизнинг олий таълим муассасамизда ҳам Александр Файнберг ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди. Шоирнинг ҳаёти ҳақидаги видеофильм барчага бирдек манзур бўлди. Александр Файнбергнинг шогирди бўлган шоир, ёзувчи, адабиётшунос Николой Дмитриевич Ильин тадбир иштирокчиларига устози Александр Файнберг ҳақидаги хотира чизиқларини илинди. Айниқса, 103-гуруҳ талабалари Насруллаев Шукрулло,

Абдусаматова Малика, Холжигитов Жўрабекларнинг рус забонида Александр Файнберг шеърларини ўқиганларида тадбир иштирокчилари кўзларидги ҳаяжон чексиз эди...

1999 йилда «Пахтакор» футбол жамоасининг фожиали авиацион халокатига бағишланган «Уларнинг тўп майдони осмонда» номли фильм сценарийси ва фильмга ишланган кўшиқ матни ҳам Александр Файнберг муаллифлиги яратилган. Ушбу фильмдан сўнг, 103 гуруҳ талабаси Адашева Рисликхоннинг майин ва ширали овозида Александр Файнбергнинг шеъри гўё куйга кўшилиб мавжланарди...

Шоирнинг ўзбек тилидаги шеърларига жило бериб ўқиган 103 гуруҳ талабалари Абдурахмонова Фарангиз, Маъруфов Қосим, Сағдуллаев Отабекларнинг чиқишлари барча тадбир иштирокчиларини хушнуд қилди.

Тадбир сўнгидаги Тўракулов Жавоҳирнинг мусиқий чиқиши эса ушбу тадбирга ҳақиқий маънодаги жозиба бағишлади. Тадбирда иштирок этган барча ўқитувчиларга талабаларнинг чиқишлари манзур бўлди.

Миллат танламайдиган қалб сохибларигина миллатларнинг ардоғига сазовор бўлади. Александр Файнберг ана шундай ҳақиқий ижодкор – унинг ижоди миллатлар тилидан тушмайди. Зеро, ижодкорнинг умри унинг ижодий мероси билан ўлчанади.

*Зилола СОДИКОВА  
Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси  
катта ўқитувчиси*



Шеърни ўзига, ўз моҳиятига, мазмуни олий ҳақиқатларга уйғун келиб, шахсияти эса сир, фазилят маҳзани бўлиб қолаверадиган истеъдод соҳиблари бу дунёда сийрак учрайди. Бу жиҳатдан қараганда, ўз замондошлари тавсиф берганидай Огаҳий огоҳларнинг огоҳи эди...

Халқимиз маънавиятига, маданиятига, тарихига, кадриятларига оид ҳар бир нарса эъзозланиши ва асраб-авайланиши, чуқур илмий тадқиқ этилмоғи керак. Шу нуқтаи назардан қараганда, XIX аср ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий томонидан қолдирилган нафис бадиий ва нодир тарихий асарлар ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Огаҳий 1809 йилнинг 17 декабрда Хива яқинидаги Қиёт қишлоғида мироб оиласида туғилган.

Хива мадрасаларида таҳсил кўрган. Араб, форс, турк тилларини пухта эгаллаган. Хоразмнинг машҳур олим ва шоирлари, адабиёт муҳлисларининг суҳбатларида бўлиб, Шарқ классиклари, айниқса Навоий ижодини кунт билан ўрганган. Огаҳий халқ орасида кўпроқ лирик шоир сифатида машҳур. Умрининг охириги йилларида тузган лирик куллиёти – «Таъвиз-ул-ошиқин» («Ошиқлар тумори») анъанавий тарзда тузилган, 470 ғазал, 3 мустазод, 89 мухаммас, 5 мусаддас, 2 мурабба, 4 мусамман, 4 таржеъбанд, 7 қитъа, 80 рубойи, 10 туюк, 4 чистон, 2 муаммо, 4 маснавий 1 баҳри тавил, 1 муножот, 1 ошиқ ва маъшук савол-жавоби, 20 тарих, 19 қасида – жами 18000 мисрадан иборат. Бу девонга нозиктаъб шоирнинг «Афшўри форсий» номи билан унинг форс тилидаги 1300 мисра шеъри киритилган. Огаҳий Хоразм тарихига оид 5 та тарихий асар яратган бўлиб, «Риёз-уд-давла» («Салтанат боғлари», 1844), «Зубдат ут-таворих» («Тарихлар қаймоғи», 1845-46), «Жоме ул-воқеоти султоний» («Султонлик воқеаларини жамловчи», 1857), «Гулшани давлат» («Давлат гулшани»,

## ОГОҲЛАРНИНГ ОГОҲИ БЎЛГАН ОГАҲИЙ

1865), «Шоҳиди иқбол» ва бошқа тарихий асарларида Оллоқулихон, Раҳимқулихон, Муҳаммад Аминхон, Муҳаммад Раҳимхон II хукмронлиги даврида яшаган туркий халқларнинг тарихи, маданий-ижтимоий ҳаёти, Хиванинг хонликлари билан муносабати акс этган. 20 дан ортиқ Шарқ мумтоз адабиётшуносларининг тарихий ва бадиий асарларини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган. Муҳаммад Эрнийезбек ўғли Огаҳий Хоразм адабий муҳитининг йирик сиймоларидан бири бўлиб, Навоийдан кейин энг кўп ва «хўб» шеър айтган шоирлардандир.

Кунини кеча институтимизда Огаҳийнинг таваллудига бағишланган «Огаҳларнинг огоҳи Огаҳий...» деб номланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди. 106-ва 104-гуруҳ талабалари ғазалхонлик билан кечага юқори кайфият бағишлади. Шоира Муҳтарама Улуғова билан олиб борилган суҳбат давомида буюк тарихчи, таржимон, шоир Огаҳий ижодига тавсифлар ва талабаларнинг шарҳлари ҳам келтирилди. Айниқса, шоира томонидан ўқилган ғазалдаги оҳанг ҳар бир қалбга ором бўлиб кириб борди.

Ўзининг адабий мероси билан из қолдирган юртимиздаги ижодкорларнинг хотирасини абадийлаштириш бўйича олиб борилаётган бу каби тадбир ва кечалар кўплаб ташкил қилинмоқда.

«Сўзи ортуқ дурур гуҳардин ҳам,

Фазл-у донишда олам ичра олам»,-дея эътироф этган эди Комил Хоразмий Огаҳий ҳақида. Дарҳақиқат, Огаҳийнинг ҳар бир ижоди ва сўзи асрлар оша яшаб келаётган энг катта бойлигимиздир. Зеро, ҳар бир ижодкорнинг адабиётимизга қўшган ҳиссаси бекиёс, аммо ҳақиқий ижод меросигина асрларнинг тушовидан омон ўта олади. Огаҳий ана шундай ижод намуналарини яратган ижодкордир.

**Гулноза АХМЕДОВА**

*Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси  
катта ўқитувчиси*

## ИЖОД МАКТАБИГА ТАШРИФ

Ҳар бир халқнинг миллий ва маънавий бойлиги унинг ижод аҳли ва мероси билан ўлчанади. Зеро, миллатнинг бойлиги – миллий ва бадиий ижоднинг маҳсулидир. Бугунги кунда бадиий адабиётимизнинг меросига ҳисса қўшган ҳар бир ижодкорнинг хотирасини абадийлаштириш ва халқимиздаги ҳурмат туйғусини янада бекиёс тарзда шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 декабрдаги фармойиши билан Абдулла Қодирий номидаги ижод мактабини ташкил қилиш ишлари ва чора-тадбирлари бошлаб юборилган эди. Жорий ўқув йилида – 2019-2020 йиллар учун қабулни 2019 йилнинг август ойида бошланиб, мазкур ўқув йилида 5-синфдан 8-синфга қадар ўзбек тили ва адабиётига иштиёқманд 120 нафар ўқувчи имтиҳон асосида 488 нафар ўқувчиларнинг орасидан саралаб ўқишга қабул қилинди.

Ўзбек романчилигининг асосчиси, ватанпарвар Абдулла Қодирий хотирасига эҳтиром кўрсатиш мақсадида 26 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Абдулла Қодирий номидаги ижод мактабига ташриф буюрган эдилар.

Ташкил этилган ушбу ижод мактабининг фаолиятини ўрганиш ва танишиш мақсадида – 2020 йил 4 январь куни Тошкент Педиатрия тиббиёт институти ректори Б.Т. Даминов, ўқув ишлари проректори К.Н. Хаитов, илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор С.С. Гулямов ва ректорат иш бошқарувчиси А.Худайбергановлар Абдулла Қодирий номидаги ижод мактабига ташриф буюришдилар. Ижод мактабида яратилган шарт-шароит ва ўқув жараёнлари билан танишишди. Ўқувчи ёшларнинг билим салоҳияти ва янги таълим тизимида миллий адабиётимизни ва она тилимизни чуқур билимлар асосида ўргатиш тизими билан танишишди.

Тошкент шаҳридаги яна бир янги таълим маскани — Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 14 сентябрдаги РҚ-3274-сон қарорларига биноан ташкил қилинган Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ахборот-коммуникация технологиялари йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб фаолияти билан ҳам танишдилар ва бу ерда ўқувчи иқтидорини намоён қилиш учун яратилган бутун бир мажмуа: замонавий жиҳозланган ўқув хоналари, илғор педтехнология ва инновацион методлардан фойдаланган ҳолда дарсларнинг олиб борилиши, дарсдан ташқари пайтда бола иқтидорини ривожлантириш учун йўлга қўйилган



тажрибаси, ўқувчилар турар жойларида кенг имкониятлар яратилганлигига гувоҳ бўлишди.

Ушбу ташрифлардан кўзланган асосий мақсад эса, юртбошимиз бошчилигида жорий этилаётган бу каби кўплаб ёшларимизга яратилаётган қулай ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни янада кенг татбиқ қилиш ҳамда келажакка муносиб авлодни тарбиялаш каби эзгу ғоялардир. Зеро, юртбошимиз мазкур Абдулла Қодирий номидаги ижод мактабидаги маърузаларида таъкидлаган эдилар: «Барча умумтаълим мактаблари ушбу ўқув даргоҳидан маънавиятни, маърифатни ўрганиши лозим». Дарҳақиқат, барча мактабларга муносиб ўрнак бўла оладиган ва она тилимизнинг ривожига ҳисса қўшишга хизмат қиладиган ҳақиқий маънодаги ижод мактаби, дея эътироф эта оламиз.

Келажакимизга муносиб – Муҳаммад ал-Хоразмийлар ва Абдулла Қодирийларни тарбиялашда, албатта, ҳар биримизнинг ҳиссамиз катта. Негаки, битта фарзандга етти маҳалла – ота-она, дейди доно халқимиз. Зеро, Ватан келажакига ҳар биримиз – ҳар битта ёш ва кекса авлод вакиллари бирдек масъулмиз.

*М. Ахмедова  
ТошПТИ Ёшлар билан  
ишлаш бўйича проректори*



Ватан химоячилари кунига бағишланган тадбирлардан лавхалар

## ОНА ВА ЎГИЛ...

Ишхонасидан узоқ вақт таътил ололмай, қишлоғига — уйига боролмаган ўғил қўли юпқароқ бўлиб турган эса-да, онасига момиқ рўмол ва жун пайпоқ сотиб олди. Отаси ёруғ дунёни тарк этгач, ёлғизланиб, қадди букилиб қолган волидасини мамнун қилгиси келди.

Аслида биттагина рўмолча берса ҳам онаси дунёга сизмай кетар, ўғилни узоқ дуо қиларди.

Бу сафар ҳам шундай бўлди. Дарвозадан кириб келган ўғилни бағрига босиб, пешонасидан ўнган онанинг кийимидан қадрдон ис — тандир-ўчоқ тутунни ҳиди келди. Ўғил суюнган ҳолда онаси бошига рўмол ўраган эди, волиданинг кўзидан ёш сизиб чиқди. Ёрилиб кетган, серажин қўлини очиб, ўғилни алқади.

Ўғил кетар чоғи ўз болалиги ўтган хонадаги кўрпача тагига озроқ пул қўйиб қўйди... Онам қийналиб қолмасин, пулга муҳтож бўлмасин, қўлига берсам олмайди, кетганимдан сўнг кўрпа-ёстиқни йиғиштираётганида кўрар, деди.

Йўлда кела-келгунча отасини, онасини, ўз болалиги кечган чоғларни хаёл суриб келди.

Тунда ҳориб ижара уйга кириб келди. Йўл сумкасини бўшатаётган эди, кийимлари орасидан бир ҳовуч йирик-майда, эски-янги пуллар сирғалиб тушди.

...Онаси, болам тушмагурнинг қўлига берсам, барибир олмайди, ҳайҳотдек шаҳарда, ижара уйда оч-наҳор юрмасин, деб анчадан бери пенсиясидан тежаб йиғиб юрган пулини солиб қўйган эди...

Жасур Кенгбоев

## Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

Профессор-ўқитувчилар таркиби бўйича қуйидаги кафедралар лавозимларига  
**ТАНЛОВ** эълон қилади:

**КАФЕДРА МУДИРЛАРИ:** Тиббий ва биологик кимё, тиббий биология, умумий генетика; Офтальмология, болалар офтальмологияси; Тери таносил, болалар тери таносил касалликлари, ОИТС.

**ДОЦЕНТЛАР:** Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш;

Клиник иммунология, микробиология; Педагогика ва психология; Тиббий ва биологик кимё; Оториноларингология, болалар оториноларингологияси; Умумий хирургия; Тери таносил, болалар тери таносил касалликлари, ОИТС; Госпитал болалар хирургияси, Анестезиология ва реаниматология, болалар анестезиологияси ва реаниматологияси; Фукаролик жамияти. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти; Тиббий биология, умумий гентика

**АССИСТЕНТЛАР:** Акушерлик ва гинекология, болалар гинекологияси; Суд тиббиёти, тиббиёт ҳукуки; Офтальмология, болалар офтальмологияси; Болалар касалликлари пропедевтикаси; Асаб касалликлари ва болалар асаб касалликлари; Оториноларингология, болалар оториноларингологияси; Шошилинич педиатрия, халокат тиббиёти.

**Танлов муддати –эълон чиққан кундан 1 ой Манзилгоҳ- Боғишамол кўчаси 223, Тош ПТИ.**

**Автобуслар: 115,19 ТошПТИ бекати. 2020.16.01.**


**РЕДИАТРИ**  
 ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ  
 ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ МЕХНАТ  
 ЖАМОАСИ НАШРИ  
 ОРГАН ТРУДОВОГО  
 КОЛЛЕКТИВА ТАШКЕНТСКОГО  
 ПЕДИАТРИЧЕСКОГО  
 МЕДИЦИНСКОГО ИНСИТУТА

**Тахрир кенгаши:**  
 Д.А. Асадов, А.В. Алимов,  
 Х.Ф. Хайдаров, М. Аҳмедова,  
 А.И. Искандаров, К. Ҳайтов,  
 Т.С. Аъзамхўжаев,  
 А. Валиев, А.А. Қудайбеганов,  
 Б.М. Таджиев,  
 С.С. Гулямов, Г. Усманова  
**Нашр учун масъул:**  
 Р. Ғўчиёва

**Бош муҳаррир:**  
 Б.Т. ДАМИНОВ  
**Тахрир хайъати:**  
 (ишчи гуруҳ)  
 Э.О. Турсунов, К.Ш. Турдиева  
 (Бош муҳаррир ўринбосари),  
 А.М. Маннонов, Д.А. Аҳмедова,  
 С.А. Бегмонов, А. Носиров,  
 З. Каримова, А. Худайбердиев

Газета Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармасида 29.12.2006 йил 02-0010-сон билан рўйхатга олинган.

Манзил: 700140, Тошкент-140, Боғишамол кўчаси, 223

Ch'o'ron nomidagi NMIU техник ва дастурий воситалари базасида чоп этилди. Манзил: Тошкент, 100129, Навоий кўчаси, 30. -бунюртма. Адади 100 нусха.

Газета институт ҳисобидан нашр этилади ва bepул тарқтилади.